



МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ИШТИРОКИНИНГ ДОЛЗАРБ ЖИҲАТЛАРИ

Донаев Бобуржон Иномжон ўғли

Тошкент давлат юридик университети магистранти

E-mail: boburjondonayev@gmail.com,

Тел: 99-896-90-77

ARTICLE INFO

Received: 08th June 2023

Accepted: 15th June 2023

Online: 16th June 2023

KEY WORDS

Меҳнат бозори эркинлиги,
мажбурий меҳнат, иш
ташлаш, гендер тенглиги,
эркин касаба уюшмаси,
жамоаларга доир меҳнат
низолари.

ABSTRACT

Мақолада бугунги меҳнат соҳасидаги рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрни таҳлил қилиниб, мазкур индексларнинг талабларидан келиб чиқиб, меҳнат ҳуқуқи соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда меҳнат қонунчилигини ривожлантиришга, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳуқуқни қўллаш жараёнига тадбиқ этилмоқда. Янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодекси, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни шулар жумласидандир.

Шунга қарамай, меҳнат соҳасидаги халқаро индексларда Ўзбекистоннинг ўрни сезиларли даражада паст бўлиб қолмоқда. Хусусан, меҳнаткашлар ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича Глобал индексига Ўзбекистон киритилмаган.

Ўзбекистоннинг меҳнат ҳуқуқлари тўғрисида мамлакатдан келиб тушаётган ахборотнинг етарли ҳажмда эмаслиги ва бир-бирига номувофиқлиги, жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқи ва тартиби қонун билан белгиланмаганлиги, иш ташлаш ҳуқуқи ва тартиби қонун билан белгиланмаганлиги, жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби қонун билан белгиланмаганлиги, меҳнат соҳасида статистик маълумотларнинг чекланганлиги, меҳнат соҳасидаги статистик маълумотларни тўплаш ва эълон қилиш бўйича миллий методологиянинг мавжуд эмаслиги халқаро рейтинг ва индексларда ўрни сезиларли даражада паст эканлигига сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш лозимки, айрим халқаро ташкилотлар (Коттон Кампейн коалицияси, Инсон ҳуқуқлари Ўзбек жамияти, Озиқ-овқат ва тамаки саноати, қишлоқ хўжалиги, меҳмонхона ва ресторан хизмати, умумий овқатланиш ва турдош соҳалар Халқаро иттифоқи)нинг қайд этишича, Ўзбекистон касаба уюшмалари мустақил эмас, ҳукумат эса мустақил касаба уюшмаларини ташкил этилишига тўсқинлик қилиб келади.



Жаҳон иқтисодий форуми томонидан Глобал рақобатбардошлик индексининг (Global Rights Index) кичик индикаторлари таркибига кирувчи рейтинг, индекс ва индикаторларда Ўзбекистоннинг ўрни белгиланмаган. Бунинг асосий сабаблари эса статистик маълумотларнинг чекланганлиги ва миллий методологияларнинг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон Фармонида 4-илованинг

2-бандида Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясининг Глобал ҳуқуқлар индекси (Global Rights Index) да Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини экс эттириш вазифаси кўйилган.

Меҳнат бозори эркинлиги индикаторининг асосий тамойили ҳар қандай иқтисодий эркин бозорнинг асосий тамойили ихтиёрий айирбошлаш бўлгани каби меҳнат бозорида ҳам худди шундай бўлиши таъкидланади. Меҳнат бозорида давлатнинг аралашуви бошқа бозорлардаги каби муаммоларни келтириб чиқаради. Давлат томонидан тартибга солинадиган меҳнат қонунчилиги турли шаклларда бўлади. Жумладан, энг кам иш ҳақи ёки бошқа иш ҳақини назорат қилиш, иш вақти ёки иш жойидаги бошқа шароитларни чеклаш, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш бўйича чекловлар ва бошқа чекловлар. Кўпгина мамлакатларда касаба уюшмалари меҳнат эркинлигини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди ва ўз фаолиятининг хусусиятига кўра, кўпроқ эркинликнинг ҳаракатлантирувчиси ёки меҳнат бозорларининг самарали ишлашига тўсқинлик қилиши мумкин.

Бу каби тартибга солишлар корхоналарни ҳам, ишчиларни ҳам жазолайди, иш берувчилар ва ходимларнинг меҳнат шароитларидаги ўзгаришларни эркин музокара қилишларига тўсқинлик қилади, бу кўпинча меҳнат талаби ва таклифи ўртасидаги сурункали номувофиқликка олиб келади¹.

Меҳнат бозори эркинлиги таркибий индикатори тўққизта тенг балл берувчи жиҳатларга асосланади. Булар, энг кам иш ҳақи, уюшмаларга бирлашиши ҳуқуқи, йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътили, меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин огоҳлантириш муддати, ишдан бўшатиш нафақаси, меҳнат унумдорлиги, ишчи кучи иштироки, иш вақтидан ташқари ишлашга чекловларнинг мавжудлиги, ишдан бўшатишнинг қонун билан рухсат этилганлигидан иборат.

Меҳнат бозори эркинлиги рейтингини тузишда юқоридаги тўққизта кичик жиҳатнинг дастлабки еттита куйидаги тенглама асосида 0 дан 100 гача бўлган шкалада ҳисобланади:

$$Кичик жиҳат_i = 50 \times (кичик жиҳат_{average} / кичик жиҳат_i)$$

Бу ерда мамлакат i маълумотлари жаҳон ўртача кўрсаткичига нисбатан ҳисобланади ва кейин 50 га кўпайтирилади. Кейин ҳар бир мамлакат учун еттита кичик жиҳат баллари ўртача ҳисобланиб, бошқа мамлакатлардаги баллар билан солиштириганда меҳнат бозори эркинлиги баллини келтириб чиқади.

Индекс меҳнат эркинлиги ҳақидаги маълумотлар учун куйидаги манбалардан олинган энг сўнгги маълумотларга таянади: Жаҳон банкининг “Бутунжаҳон бошқарув

¹https://www.heritage.org/index/pdf/2023/book/02_2023_IndexofEconomicFreedom_12-ECONOMIC-FREEDOMS.pdf



кўрсаткичлари”, Жаҳон банкининг “Жаҳон тараққиёт кўрсаткичлари”, “Freedom House”нинг “Дунёдаги эркинлик” Халқаро меҳнат ташкилоти, статистика ва маълумотлар базалари ва Жаҳон банкининг “Ишчиларни иш билан таъминлаш лойиҳаси”².

Ҳуқуқ устуворлиги индексининг асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш индикаторининг таркибий индикатор сифатида **асосий меҳнат ҳуқуқлари** таркибий индикаторини баҳолашда анкета кўринишдаги саволлардан фойдаланган ҳолда, эксперт-респондентларнинг фикрига таянган ҳолда ҳисоблаб чиқади.

Жумладан, анкета 28 та саволдан иборат бўлиб, респондентларнинг жавоблари бошқа экспертларнинг жавоблари билан умумлаштирилади ва амалиёт ўтказаетган мамлакатнинг учта йирик шаҳрида ўтказиладиган умумий аҳоли сўрови натижалари билан тўлдирилади. Бу маълумотлар биргаликда қонун устуворлигига риоя этилишини баҳолаш учун ишлатилади³. Сўровномани ўтказишда гипотетик “case” жараёни берилиб, респондентнинг фикри ҳамда унинг қонунчилигида бу қандай тартибга солиниши сўралади. Хусусан, тасаввур қилайлик, компания ишчини фабрикада касаба уюшмаси ташкил этилишини тарғиб қилгани учун ишдан бўшатади ва ишчи тегишли органга шикоят қилади деб фараз қилайлик. Қуйидаги натижалардан қайси бири кўпроқ эҳтимоли бор?

а) Ходимнинг шикояти ваколатли орган томонидан бутунлай эътиборга олинмайди;

б) Иш очилади, лекин у ҳеч қачон хулосага келмайди;

с) Расмийлар компаниянинг ишчига товон тўлашини ёки уни иш жойига қайтаришини таъминлайди;

д) Компания пора беради ёки ҳуқуқбузарликларга эътибор бермаслик учун ваколатли органга таъсир қилади;

э) Билмайман/Кўлланилмайди;

Глобал инновация индекси технологик тараққиёт ва уни қабул қилиш суръатларини ўлчайди ва инновацион саёҳатнинг тўрт босқичида асосий инновация тенденцияларини қамраб олади. Индекс таркибида Институционал ривожланиш (Institutions), Инсон капитали ва илмий тадқиқот фаолияти (Human capital & research), Инфраструктура (Infrastructure), Бизнесни ривожлантириш, Ижодий маҳсулотлар, Билим ва технологиялар натижадорлиги (Knowledge & technology outputs) ва Ижодий натижадорлик (Creative outputs) каби бир қанча йўналишлардаги индикаторларидан иборатдир.

Бизнесни ривожлантириш индикаторидаги **олий маълумотли аёлларнинг ишлаши, расмий ўқитишни тақлиф қилувчи фирмалар, илм-фанга асосланган соҳаларда бандлик** каби таркибий индикатори Халқаро Меҳнат ташкилот томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида шакллантирилади⁴.

Аёллар, бизнес ва қонун индекси маълумотларни оила қонунчилиги, меҳнат қонунчилиги ва аёлларга нисбатан зўравонлик масалаларини яхши биладиган

² https://www.heritage.org/index/pdf/2023/book/02_2023_IndexOfEconomicFreedom_METHODODOLOGY.pdf

³ https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/laborlaw_0.pdf

⁴ https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_2000_2022/uz.pdf



респондентларнинг фикр-мулоҳазалари асосида шакллантиради. Меҳнат соҳасидаги индикаторларни баҳолаш учун респондентларга аёллар меҳнати бўйича ислохотлар ва қонунчиликдаги янгиланишлар, аёлларга оилавий таътил бериш тартиблари, аёлларнинг иш жойини ҳимоя қилиниши, аёллар меҳнатига чекловлар, пенсия ва нафақалар мавзуларида саволлар бериб борилади⁵.

Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясининг Меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мамлакатлар Глобал ҳуқуқлар индекси меҳнаткашларнинг халқаро тан олинган жамоавий меҳнат ҳуқуқларини ҳукуматлар ва иш берувчилар томонидан бузилиш ҳолатларининг оғирлигидан келиб чиқиб мамлакатларни “даражалар”га ажратади. Ҳар бир мамлакат ХМТ юриспруденцияси ва Конвенцияларидан келиб чиқувчи ҳамда қонунда ва амалиётда меҳнаткашлар ҳуқуқларини бузилишини ифодаловчи **97 та** кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинади. Глобал индекс меҳнаткашлар ҳуқуқларига риоя қилиш даражасига мувофиқ мамлакатларга **1 (энг яхши)**дан **5+ (энг ёмон)**гача рейтинг баллини беради. Чунончи:

5+ рейтинг – қонун устуворлиги таъминланмаганлиги туфайли ҳуқуқий кафолатлар йўқ давлатлар;

5 рейтинг – меҳнаткашлар ҳуқуқларининг кафолатлари йўқ давлатлар;

4 рейтинг – меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари тизимли равишда бузиладиган давлатлар;

3 рейтинг – меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари мунтазам равишда бузиладиган давлатлар;

2 рейтинг – меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари такроран бузилиш ҳолатлари учрайдиган давлатлар;

1 рейтинг – меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари камдан-кам бузиладиган давлатларга берилади.

Рейтинг балли беришда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, катта-кичиклиги ёки географик жойлашуви ҳисобга олинмайди. Чунки фундаментал ҳуқуқлар универсал бўлиб, ходимлар дунёнинг исталган нуқтасида улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Ҳуқуқбузишлар сўров ўтказиш орқали ҳар йили апрелдан мартгача қайд қилинади. Мазкур Индексга 2020 йилда дунёнинг 144 та мамлакати киритилган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат ҳуқуқлари индекси WageIndicator жамғармаси ва меҳнат тадқиқотлари маркази томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро малака стандарти сифатида ўз фойдаланувчиларига бутун дунё бўйлаб меҳнат қонунчилигини солиштириш имконини беради. Индексда 3,5 миллиард глобал ишчи кучининг 90 фоиздан ортиғига таъсир кўрсатадиган меҳнат бозорини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар таҳлил қилинган ва баҳоланган.

Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистоннинг иқтисодий эркинлик кўрсаткичи **56,5 балл** бўлиб, иқтисодиёти 2023 йил индексида энг эркин давлатлар қаторида **109-ўринни** эгаллади. Унинг кўрсаткичи ўтган йилгидан 0,8 баллга юқори.

⁵ <https://wbi.worldbank.org/content/dam/sites/wbi/documents/2023/WBL-2023-Labor.pdf>



Ўзбекистон Осиё-Тинч океани минтақасидаги 39 давлат орасида 23-ўринни эгаллаб, умумий кўрсаткичи жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан паст ҳисобланади.

Индекснинг қайд этишича, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий эркинлигини таъминловчи сиёсат олиб бормоқда, янада очиқлик ва модернизация сари интиломоқда. Сиёсий ва бошқа асосий эркинликларни чекловчи институционал камчиликлар мавжуд, бироқ ижобий ўзгаришлар аллақачон илдиз отмоқда. Кўп йиллик иқтисодий турғунликдан сўнг Ўзбекистон 2017 йилдан буён рақобатбардош бозор иқтисодиётини барпо этиш бўйича муҳим ислохотларни фаол давом эттирмоқда.

Муайян ютуқларга қарамай, тартибга солиш тизими умуман шаффофлик ва аниқлик етарлича таъминланмасдан келмоқда. Замонавий **меҳнат бозори ривожланиши** давом этмоқда, аммо норасмий секторда бандлик ҳали ҳам сезиларли ўринга эга эканлиги билдирилиб, 2005 йилда меҳнат бозори эркинлиги таркибий индикаторида 67,1 кўрсакичга эга бўлган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 48,1 ни ташкил қилиши кўзда тутилган⁶.

Мазкур индекснинг меҳнат бозори компонентининг асосий 9 та таркибий факторлари энг кам иш ҳақи, уюшмаларга бирлашиши ҳуқуқи, йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътили, меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин огоҳлантириш муддати, ишдан бўшатиш нафақаси, меҳнат унумдорлиги, ишчи кучи иштироки, иш вақтидан ташқари ишлашга чекловларнинг мавжудлиги, ишдан бўшатишнинг қонун билан рухсат этилганлиги қайд этилган.

Бугунги кунда **Ҳуқуқ устуворлиги индексида** Ўзбекистон 140 та давлат орасида 78-ўринни эгаллаб келмоқда. 2015 йилда кўрсаткичлари 0,46 ни тшкил қилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 0,50 га етган. Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари қаторида Ўзбекистон 14 та давлатдан 8-ўринни банд қилган. Индекснинг асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш индикаторида дунё мамлакатлари ичида 107 ўринни эгалланган. 2022 йилга келиб кўрсаткичлари 0,45 бални ташкил этган. Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари қаторида 11-ўринни банд этган. Қолаверса, асосий меҳнат ҳуқуқлари таркибий индикаторида Ўзбекистоннинг дунёда 87-ўринни қайд этган. Ушбу индикаторда мамлакатнинг кўрсаткичи 0,53 ни ташкил қилади.

Сўнги уч йилда Ўзбекистон Глобал инновация индексида 81 ва 87 ўриндаги кўрсаткичларни қайд этмоқда. Индексга кўра, ЯИМга нисбатан Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари унинг ривожланиш даражаси бўйича кутилганидан юқори ҳисобланади. Индекснинг бизнесни ривожлантириш индикаторида 74 ўринни қайд этган ҳолда, илм-фанга асосланган соҳаларда бандлик таркибий индикаторига киритилмаган бўлса, расмий ўқитишни таклиф қилувчи фирмалар таркибий индикаторида 16,9 балл билан 88-ўринни қайд этган, олий маълумотли аёлларнинг ишлашини таъминлаш бўйича таркибий индикаторида 13,7 балл олган ҳолда 56-поғонани эгаллаган⁷.

Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон 70,6 баллни тўрлаган ҳолда, ўртача даромаддан паст кўрсаткични қайд этмоқда. Индексда аёллар учун

⁶ <https://www.heritage.org/index/country/uzbekistan>

⁷ https://www.wipo.int/global_innovation_index/en/2022/



ҳаракатланиш эркинлиги 100, меҳнат қилиш 50, меҳнат шароитлари 25, пенсия 50 балл билан баҳолланган.

Глобал рақобатбардошлик индексининг кичик индикаторлари таркибига кирувчи рейтинг, индекс ва индикаторларда Ўзбекистоннинг ўрни белгиланмаган. Бунинг асосий сабаблари эса статистик маълумотларнинг чекланганлиги ва миллий методологияларнинг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон Фармонида 4-илованинг 2-бандида Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясининг Глобал ҳуқуқлар индекси (Global Rights Index)да Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини экс эттириш вазифаси қўйилган.

Маълумот учун: *Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларида Иқтисодий эркинлик индексининг меҳнат бозори эркинлиги таркибий индикатор кўрсаткичи 2023 йилда 55,3, Ҳуқуқ устуворлиги индексини 2023 йилда 0,53 бўлиши, асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш индикатори 0,47 бўлиши, асосий меҳнат ҳуқуқлари таркибий индикатори 0,53 бўлиши прогноз қилинган. Глобал инновация индексининг илм-фанга асосланган соҳаларда бандлик таркибий индикатори 24 баллни, расмий ўқитишни таклиф қилувчи фирмалар таркибий индикаторида 20 баллни, олий маълумотли аёлларнинг ишлашини таъминлаш бўйича таркибий индикаторида 22 баллни олиши прогноз қилинган. Аёллар, бизнес ва қонун индексида 2023 йилда 91,2 балл прогноз қилинган. Аёллар учун ҳаракатланиш эркинлиги 100, меҳнат қилиш 75, меҳнат шароитлари 100, пенсия 75 балл билан баҳолланиши тахмин қилинган⁸.*

Меҳнат ҳуқуқлари индекси 2022 (ЛРИ 2022) 135 та иқтисодиётни қамраб олган ва ишчининг ишлаш муддати атрофида тузилган де-юре индексидир. Ҳаммаси бўлиб 46 та савол ёки баҳолаш мезонлари 10 та кўрсаткич бўйича баҳоланади. Умумий балл ҳар бир кўрсаткичнинг ўртача қийматини олиш йўли билан ҳисобланади, 100 балл мумкин бўлган энг юқори баллдир. Индекс рейтинг тизимидан фойдаланади, яъни “Муносиб ишнинг умумий этишмаслиги” дан “Мувофиқ иш”гача. Меҳнат ҳуқуқлари индекси, хусусан, СДГ8 (Мувофиқ иш), СДГ 5 (Гендер тенглиги), СДГ 10 (Тенгсизликларни камайтириш) билан қамраб олинган масалалар бўйича де-юре қоидаларига зарур (тўлдирувчи) тушунчаларни тақдим этиш орқали Барқарор ривожланиш мақсадларига фаол ҳисса қўшишга қаратилган.) ва СДГ 16 (Кучли институтлар). Индекс 2022-йил 1-январдан амалда бўлган миллий меҳнат қонунчилигига асосланади. Индекс ўз рейтингидан СОВИД-19 билан боғлиқ меҳнат бозори ўлчовларини ҳисобга олмайди.

Ўзбекистоннинг умумий балли 100 баллдан 73,5 балл. Ўзбекистон учун умумий балл Кавказ ва Марказий Осиё бўйлаб кузатилган минтақавий ўртача кўрсаткичдан паст (79,5). Кавказ ва Марказий Осиёда энг юқори балл Озарбайжонда қайд этилган.

Ташкилотлар тузиш ва уларга қўшилиш ҳуқуқи ва/ёки жамоавий музокаралар амалда тақиқланганлиги (қуйидаги жадвалда № 36 ва/ёки 73 бузилишлар) туфайли Ўзбекистон сукут бўйича энг ёмон балл олган⁹.

⁸ <https://lex.uz/uz/docs/4838762>

⁹ <https://labourrightsindex.org/lri-2022-documents/uzbekistan.pdf>



Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтинг ва индексларда ўрнини яхшилаш мақсадида вазирлик ва идоралар томонидан мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнига таъсир қилувчи 12 та Қонун, 3 та Кодекс, 14 та Президент фармони ва қарори, 15 та Ҳукумат қарори лойиҳалари ишлаб чиқилганлиги, улардан 3 та Қонун, Президентнинг 7 та фармони ва қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 4 та қарори қабул қилинган.

Шунингдек, халқаро ва маҳаллий экспертлар иштирокида 20 дан ортиқ турли семинарлар, учрашувлар ташкил этилганлиги ҳамда “II Халқаро рейтинглар форуми”нинг аҳамияти алоҳида эътироф этилди.

Қолаверса, мамлакатимиз учун устувор бўлган рейтингларни ўзида мужассам этган “Ўзбекистон халқаро рейтингларда” ягона портали ишга туширилганлиги алоҳида аҳамият кас этади. Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги миллий индекси ишлаб чиқилганлиги, унга асосан эндиликда худудларда ҳуқуқ устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ижросини ташкил этиш ҳолати ўрганилиши ҳамда жамоатчиликка эълон қилиб борилмоқда¹⁰.

Ҳар бир рейтингда Ўзбекистоннинг ўрнини ошириш учун алоҳида дастурлар, ишчи гуруҳлар қабул қилиниб, босқичма-босқич белгиланган вазифалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон билан **Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши** ҳамда **Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари** тасдиқланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-246-сон қарори билан **Устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг таркибий индикаторлари доирасида мунтазам паст баҳоланиб келинаётган соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш режаси** қабул қилиниб, устувор аҳамият касб этувчи халқаро рейтинг ва индексларнинг таркибий индикатор ва субиндикаторлари мазкур режа билан қамраб олинди.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат соҳасидаги рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш юзасидан бир қатор амалий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ЯИМга нисбатан 2 бараварга ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 бараварга

¹⁰ <https://lpri.uz/0145/>



кўпайди ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болаларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда эълон қилинган «ижтимоий давлат» тамойиллари меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишининг белгиланди¹¹.

Жумладан, энг муҳим янгиликлардан бири бу янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг қабул қилинганлиги бўлди. Кодексда яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар ва улар билан бевосита боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий принциплари сифатижа:

- меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш;
- меҳнат эркинлиги ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш;
- меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик;
- меҳнат ҳуқуқлари таъминланишининг ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишининг кафолатланганлиги;
- ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Шунингдек, Кодексга мувофиқ, давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни таъминлаши кўзда тутилди. Мазкур тоифага:

- 14 ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота-она, шунингдек кўп болали оилалардаги ота-оналар;
- умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактаблари ва коллежлари ҳамда техникумларини тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;
- «Меҳрибонлик» уйлариининг битирувчилари, шунингдек олий таълим ташкилотларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;
- Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар;
- ногиронлиги бўлган шахслар;
- пенсияолди ёшидаги шахслар (қонунда белгиланган пенсия ёшига қадар икки йил олдин);
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар ёки суднинг қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари қўлланилган шахслар;
- одам савдосидан жабрланганлар киритилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82-сон Фармони билан **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги**, шунингдек, унинг Қорақалпоғистон

¹¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.06.2023 й., 06/23/82/0327-сон



Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)ларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этил янги ташкил этилди.

Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Эътиборли жиҳати, **Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), БМТ Болалар жамғармаси (UNICEF) ва Жаҳон банки томонидан эълон қилинган қўшма баёнотида** Президент ҳузурида Миллий ижтимоий ҳимоя агентлигини ташкил этилишини олқишлашини маълум қилишган.